



## ILMIY ELEKTRON JURNAL

### ОНЛАЙН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ХАТОЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ АМАЛИЁТИ

**Муродова Дилноза Чориевна**

Банк иши кафедрасининг доценти DSc, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

*dilnoz88.murodova@mail.ru*

#### **Аннотация**

Ўзбекистонда муаммоли кредитлар банклар ва молия муассасалари учун муҳим муаммо бўлиб, уларнинг қайтарилишини таъминлаш учун банклар бир қатор чораларни кўриш. Қарздорларнинг тўловларини ўз вақтида амалга оширганилиги ва ишилизикнинг ошишига олиб келмоқда. Шунингдек, давлат бу муаммоларни ҳал қилиш учун турли молиявий барқарорликни сақлаш ва кампанияларга ёрдам бериш учун имкониятлар яратади.

#### **Аннотация**

Проблемные кредиты в Узбекистане являются важной проблемой для банков и финансовых учреждений, и банки принимают ряд мер для обеспечения их погашения. Это приводит к несвоевременной выплате заемщиками платежей и росту безработицы. Государство также предоставляет возможности для поддержки различных финансовых стабильности и кампаний по решению этих проблем.

#### **Annotation**

In Uzbekistan, problem loans are a significant problem for banks and financial institutions, and banks are taking a number of measures to ensure their recovery. The failure of borrowers to make payments on time leads to an increase in unemployment. The state also creates opportunities for various financial stability and assistance campaigns to address these problems.

#### **Калим сўзлар**

муаммоли кредит, молиявий барқарор, тижорат банки, Марказий банк, ликвидлилик, актив, мажбурият, депозит, трансакцион депозит, капитал, қимматли қозоуз.

## **Ключевые слова**

*проблемный кредит, финансовая стабильность, коммерческий банк, центральный банк, ликвидность, актив, обязательство, депозит, транзакционный депозит, собственный капитал, обеспечение.*

## **Keywords**

*problem loan, Financial stable, commercial bank, Central bank, liquidity, asset, liability, deposit, transaction deposit, capital, security.*

## **Кириш**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида хеч қандай давлатни банк тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки тижорат банклари молиявий воситачилар категориясига мансуб бўлиб, пул капиталини тармоқлараро ва ҳудудлараро қайта тақсимланишида жамиятнинг муҳим механизми функциясини бажаради. Янги мажбуриятлар яратиш жараёни, ҳамда бу мажбуриятларни бошқа контрагентларнинг мажбуриятларга алмаштириш, молиявий воситачиликнинг моҳиятини англатади. Молиявий воситачиларнинг фаолияти маълум иқтисодий шарт-шароитлар асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда хўжалик субъектларининг маълум бир соҳада тўлалигича ихтисослашуви афзал бўлиб, бу бозор хўжалиги субъектининг умумий фаолият юритишининг ажралмас шарти ҳисобланади. Худди мана шунда кўплаб индивидуал рискларнинг бирлашуви ва шу асосда улкан сонлар қонунининг амал қилиши натижасида умумий рискларнинг минималлашуви юзага келиши мумкин.

Умуман олганда ишлаб чиқариш кўлами ҳисобига харажатларни қисқартириш натижасида иқтисодиётда пул маблағларининг харакатини самарали таъминлаш, бутун хўжаликнинг макроиктисодий самарадорлигини оширишга олиб келади. Замонавий иқтисодий мухит тижорат банклари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, мамлакатимизда банк ишининг самарадорлигини ошириш асосида халқаро банк амалиётига мос келувчи банк тизимини яратишни тақазо қиласи. Мустақил Республикамизда банклар фаолиятини жаҳон амалиётида қабул қилинган умумий тамойилларга мослаштириб боришига катта эътибор берилмоқда. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва унинг барқарорлигини баҳолаш бугунги кунда ҳам, амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотларнинг марказий долзарб масалаларидан эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чоратадбиirlар тўғрисида”ги ПҚ-3066-сонли қарорида банк тизимини ислоҳ қилишни чукурлашириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари сифатида белгилангани билан ҳам ўз тасдиғини топган.

## **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Молиявий барқарор банк ҳар қандай қийин, катта йўқотишлар бўлганда, ўзини тезда тиклаши, бозорда мустаҳкам туриши катта аҳамиятга эга.

В.Г. Артеменко ўз илмий ишларида барқарорликни тўлов қобилияти билан боғлайди ҳамда абсолют ва бир қанча кўрсаткичлар асосида улар молиявий барқарорлигини баҳолашни назарда тутади. Тўлов қобилиятини хўжалик юритувчи субъектлар тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, шунингдек, молиявий барқарорликни пул оқимлари таҳлили асосида баҳоланади деган хulosаларни илгари суради[1]. Шу билан бирга ушбу кўрсаткичлар тизимида банклар барқарорлиги билан улар ишончлилиги ўртасида алоқадорлик мавжуд эмаслиги кўринади.

О.В. Ефимова тадқиқотларида молиявий барқарорликни бошқа кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур эканлигини тавсия этади. Ушбу умумлаштирилган кўрсаткичлар тизимига олимнинг фикрича, комплекс равишда банклар капиталини ошиб боришини кўрсатувчи капитал рентабеллиги кўрсаткичини, иккинчи кўрсаткич сифатида капиталнинг ялпи пассивлар ҳажмидаги улушини, шунингдек, молиявий барқарорликка баҳо беришда активлар структураси, капитал айланмаси, рентабеллик, доимий ва ўзгарувчи харажатларни солиширилиш орқали аниқлаш лозим деган хulosаларни беради[2]. Келтириб ўтилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда, банклар молиявий барқарорлигига капитал етарлилиги ва рентабеллик даражаси, капиталнинг активлардаги улуши орқали молиявий барқарорликка баҳо бериш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Молиявий барқарорлик асосий кўрсаткичлари қаторига: капитал етарлилик кўрсаткичлари, активлар сифати, фойда ва рентабеллилик, ликвидлилик, бозор рискига сезирлик даражаси каби кўрсаткичларни ўз ичига олса, тавсиявий характеристига эга бўлган кўрсаткичлар қаторига банклар, шунингдек, бошқа молиявий муассасалар, корпоратив компаниялар, хонадон хўжалиги, бозор ликвидлиги, кўчмас мулк бозорига мўлжаллангандир[3].

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари Халқаро Валюта Фонди томонидан 2001 йилдан эълон қилинаётган бўлса, бугунги кунда унинг бутун дунё давлатларида рейтинги эълон қилиб келинади.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг мақсади давлатлар молиявий тизимини макропруденциал таҳлил қилиш орқали жорий молиявий ҳолатни акс эттириш, ХВФ ва Жаҳон банки томонидан молиявий секторни баҳолаш Дастурини (Financial Sector Assessment Programm—FSAP) амалга ошириш ва мамлакатлар молиявий тизими барқарорлигини баҳолаш бўйича ҳисобот нашрлари (Financial System Stability Assessment—FSSA) эълон қилиш, мамлакат молиявий муассасаларини назорат қилиш, контрагентлар, хонадон хўжаликлари барқарорлигини баҳолашга мўлжаллангандиги билан алоҳида аҳамият касб этади[4]. Тижорат банки молиявий барқарорлигини баҳолаш, тижорат банкининг ликвидлиги тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ликвидлиги бўлмаган банк тўловга лаёқатли бўла олмайди. Амалда айнан ноликвидлик банкларнинг тўловга лаёқатсизлигининг асосий сабаби бўлиб, уларни банкротликка ва банк тизимининг беқарорлигига олиб келади.

## Методология

Ушбу илмий тадқиқотда Ўзбекистон банк тизимидағи муаммоли кредитлар ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг молиявий барқарорликка таъсирини аниқлаш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мақсад қилинди. Тадқиқот давомида таҳлилий усул, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, тенденцияларни аниқлаш ва моделлаштириш усуллари методлардан фойдаланилди. Ушбу методлар орқали тадқиқот муаммони ҳар томонлама қамраб олган ҳолда, унинг сабаблари ва оқибатлари аниқланди ҳамда амалиётга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқилди.

### Таҳлил ва натижалар

Халқаро молиявий ташкилотлар билан бирга халқаро рейтинг компанияларининг тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш методологияси катта аҳамият касб этади. “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги орқали банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш методологиясини келтириб ўтиш мумкин.

### 1-жадвал

#### “Moody’s” халқаро рейтинг агентлигининг тижорат банклари молиявий барқарорлигини аниқлаш методологияси[5]

Молиявий кўрсаткичлар	Банкларнинг тоифалари				
	A	B	C	D	E
Захиралашгача бўлган фойда микдорининг банк рискка тортилган ўртacha активлари суммасига нисбатани	3,5% ва ундан юқори	2,4%-3,5%	1,4%-2,4%	0,5%-1,4%	0,5% ва ундан паст
Соф фойданинг рискка тортилган ўртacha активлар умумий суммасига нисбатани	2,0% ва ундан юқори	1,7%-2,0%	1,0%-1,7%	0,3%-1,0%	0,3% ва ундан паст
(Бозор фонdlари – ликвидли активлар) / Жами активлар x 100%	-10%	-10%-0%	0%-10%	10%-20%	20 % ва ундан юқори
Биринчи даражали капитал етарлилиги, фонизда	10% ва ундан юқори	8%-10%	6%-8%	4%-6%	4 % паст
Фойдаланилмаган капитални рискка тортилган ўртacha активлар умумий суммасига нисбатани, фонизда	7% ва ундан юқори	5,5%-7,0%	4,0%-5,5%	2,5%-4,0%	4 % паст
(Харажатлар/Даромадлар) x 100 %	45 фоиздан паст	45%-55%	55%-65%	65%-80%	80% ва ундан юқори
(Муаммоли кредитлар/ Ялпи кредитлар) x 100 %	0,8 фоиздан паст	0,8%-2,0%	2,0%-5,0%	5,0%-12,0%	12% ва ундан юқори
Муаммоли кредитлар / (Акциондорлик капитали + кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш захираси), фонизда	10 фоиздан паст	10%-20%	20%-30%	30%-50%	50% ва ундан юқори

1-жадвал маълумотларидан, Moody’s халқаро рейтинг агентлиги тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолашда асосий бешта кўрсаткичлардан фойдаланмоқда. Булар: фойдалилик даражаси, ликвидлилик ҳолати, капиталнинг етарлилиги даражаси, самарадорлик ва активларнинг сифати. Бу

эса, тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш самарасини оширишга хизмат қилади.

Халқаро валюта фондининг тавсиялари бўлиб, бугунги кунда Европа марказий банки томонидан амалиётда қўллаб келинмоқда. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уни доимий назорат вили борилиши банкларнинг келгусида юз бериши мумкин бўлган турли хил салбий ҳолатларни самарали бошқаришларида қўл келади. Ушбу келтирилган тавсияларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда ўрганиб чиқдик. Қуйида уларнинг таркиби келтирилган.

## 2-жадвал

### Халқаро валюта фондининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари[6]

т/р	Категория	Кўрсаткич
1.	Капитал монандлиги	Умумий капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати
		Биринчи даражали капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати
		Муаммоли кредитларга ажратилган захира ажратмаларининг активларга нисбати
2.	Активлар сифати	Муаммоли кредитларнинг умумий кредитлардаги улуши
3.	Даромад ва фойдалилик даражаси	Активларнинг дарамодлилик даражаси ( ROA )
		Акциядорлик капиталининг даромадлилик даражаси ( ROE )
		Фоизли даромаднинг ялпи фойдадаги улуши
		Фоизсиз харажатларнинг ялпи фойдадаги улуши
4.	Ликвидлилик даражаси	Ликвидли активларнинг умумий активлардаги улуши
		Ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати
5.	Хорижий валюта билан боғлиқ риск даражаси	Банк соғ очиқ валюта позициясининг капиталга нисбати

Келтирилган кўрсаткичлардан капитал монандлиги қўрсаткичи бирдан содир бўладиган молиявий йўқотишларга банкнинг қай даражада молиявий бардошлигини кўрсатса, активлар сифати эса банкнинг тўловга қай даражада қобиллигини ифодалайди. Даромад ва фойдалилик кўрсаткичлари банк капиталига таъсир этмаган ҳолатда йўқотишларни қоплай олиш даражасини кўрсатади. Ликвидлилик даражаси нақд пул муаммосини банк қай даражада бартараф этишини ифодалайди. Хорижий валюталардаги риск банкнинг хорижий валюталардаги активларининг бозор баҳолари ўзгариши банк фаолиятига қай даражада таъсир қилишини ифодалайди.



**1-расм. Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича муаммоли кредитлар[7].**

Ўзбекистон бўйича муаммоли кредитлар улуши Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича 25 фоизли чегарасидан бироз юқори даражани қайд этиб, ушбу минтақанинг деярли медиана қўрсаткичлари доирасида шаклланишда давом этмоқда. Арманистон, Грузия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари, шунингдек 2021 йил IV чоракдан эътиборан Озарбайжон давлати ҳисобга олинган.

### 3-жадвал

#### Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) [8], млрд сўм

Сана	Кредитлар			Муаммоли кредитлар (NPL)		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар
1	2	3	4	5	6	7
01.01.2021	276 975	244 484	32 491	5 785	5 168	617
01.01.2022	326 386	280 074	46 312	16 974	15 069	1 905
01.01.2023	390 049	324 681	65 368	13 992	12 643	1 349
01.01.2024	471 406	333 298	138 107	16 621	13 267	3 354

Таъкидлаш керакки, кредитлаш ўсиш суръатларининг юқори даражада сақланиб қолиши иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан бирга банк тизимида муоммоли кредитларнинг ортишига ҳам олиб келмоқда. Бу борада банк тизими кредит портфели таркибидаги муаммоли кредитларнинг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсиридин олдини олиш мақсадида банклар ва ҳукумат томонидан тегишли чоратадбирлар кўриб борилмоқда.

### Хулоса ва таклифлар

Банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва соф рақобатни шакллантириш мақсадида давлат улуши мавжуд тижорат банкларидағи давлатнинг улушини камайтириш ёки буткул сотиш, биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотиш.

1.Давлат томонидан молиявий имтиёзлар қўллаш орқали тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва шунинг асосида

банклар регулятив капитали ҳажмининг ўсиш суръатини номинал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишига эришиш зарур. Ушбу ўринда молиявий имтиёзлар деганда инвесторларнинг тижорат банкларининг оддий акцияларидан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш, муаммоли кредитлар бўйича гаровга олинган мулкларни мулк солиғига тортмаслик ва банклар томонидан чиқарилган узоқ муддатил облигацияларни банкларнинг биринчи даражали капитали таркибида ҳисобга олишга рухсат бериш каби имтиёзлар кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталлашиш даражасини халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий андоза талаблари даражасида бўлиши таъминланади.

2. Тижорат банклари регулятив капиталининг макродаражада етарлилигини таъминлаш учун, биринчидан, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан номинал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблигни таъминлаш лозим; иккинчидан, тижорат банклари регулятив капиталининг миқдорини бир вақтнинг ўзида ҳам янги акциялар чиқариш йўли билан, ҳам тақсимланмаган фойдани устав капиталига йўналтириш йўли билан кўпайтириш зарур; учинчидан, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган янги оддий акцияларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш мақсадида инвесторларнинг банкларнинг акцияларига қилган инвестицияларидан олган даромадлари фойда солиғидан озод қилиниши лозим.

3. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида:

- мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган, такомиллашган методикаларини республикамиз банклари амалиётига жорий қилиш;

- тижорат банкларида муаммоли кредитларни “олдиндан огохлантириш” тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш зарур;

- Ҳукумат кафолатлари асосида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида (Давлат бюджетида ортиқча пул маблағларининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб), маҳсус Жамғарма ташкил этиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Артеменко В.Г., Белендир М.В. Финансовый анализ. – М.: ДИС, 1999. – с. 227.
2. Ефимова О.В. Финансовый анализ. – М.: Бухгалтерский учет, 1999 – с. 341.
3. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fsi/guide/2006/pdf/rus/guide.pdf>
4. Показатели финансовой устойчивости. Руководство по составлению.- МВФ, 2007.
5. Рейтинг финансовой устойчивости банков: методологии присвоения рейтингов по глобальной шкале. Пер. с англ. – Moody'sInvestorsService, 2007. – С. 30.
6. Adam Gersl and Jaroslav Hermanek, “ Financial stability indicators: Advantages and disadvantages of their use in the assessment of financial system stability”, page 69.
7. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) –Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.